



Халқ дардини юракдан
ҳис қилмасангиз, одамлар
ортингиздан эргашмайди

2-с.

Маҳалла банкирига
мурожаатнинг
ўзи кифоя

3-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2025 йил
9 июль,
ЧОРШАНБА

Маҳалла

№55
(2279)

WWW.UZMAHALLA.UZ

“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ”

УЮШМА КУНДАЛИГИ

БМТ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ЯНГИ БОСҚИЧДА

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Қуронбоев БМТнинг Ўзбекистондаги доимий координатори Сабине Махл, БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги раҳбари Акико Фужии, БМТ Аҳолишунослик жамғармасининг Ўзбекистондаги доимий вакили Нигина Аббасзаде хоним билан учрашди.



Икки томонлама ташкил этилган учрашуларда Уюшма делегациясининг АҚШга сафари тафсилотлари, Ўзбекистон маҳаллалари тизимини янада ривожлантириш, ёшлар билан ишлаш ва ҳудудий ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Биргина БМТ Аҳолишунослик жамғармасини олсак, охириги бир йилда мазкур жамғарма кўмагида мамлакатимизнинг турли ҳудудларида “маҳалла еттилиги” тизими доирасида гендер масалалари бўйича вакиллари ривожлантиришга бағишланган учта ўқув тренинги ташкил этилди. Шунингдек, жамғарманинг Нью-Йорк шаҳридаги БМТ қароргоҳида маҳалла институтига бағишланган халқаро конференцияни юксак даражада ташкил этишдаги кўмагини алоҳида эътироф этиш зарур.

БМТ тузилмалари масъулари нуфузли халқаро анжуманнинг юксак даражада ташкил этилгани ва муваффақиятли ўтказилгани билан қутлади. Бундан кейин ҳам Уюшма фаолиятини қўллаб-қувватлашни билдирди. Учрашуларда билдирилган таклифлар, қўриб чиқилган янги лойиҳалар тез орада ҳаётга татбиқ этилади.



ЖАРАЁН

205 ТА МАҲАЛЛА КЎРКАМ ВА ШИНАМ БИНОГА ЭГА БЎЛДИ

Маҳалла — халқ ва давлат ўртасидаги мустақкам кўприк. Бугун йигин идоралари аввалгидек шунчаки одамлар келиб кетадиган жой эмас, балки аҳоли муаммолари билан манзилли ишлайдиган, ўзаро фикр-мулоҳаза алмашадиган, одамлар ҳар қандай муаммосига ечим топадиган манзилга айланди.

Кўриниб турибдики, эндиликда бу манзилда нафақат “еттилик” иш самарадорлигини оширадиган, балки одамлар билан мулоқотни йўлга қўядиган, уларга турли хизматларни кўрсатиш имконини берадиган муносиб шароитлар яратилган зарурат бор. Шу боис сўнгги йилларда барча қўлайликларга эга маҳалла биноларини қуришга эътибор қаратилляпти.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси тақдим этган маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўтган даврида ўз хизмат биносига эга бўлган 993 та маҳалладан 205 таси кўркам ва шинам бинолар билан таъминланди. Бу ҳолатда 58 та маҳаллага ҳудуддаги бўш турган бинолар олиб берилган бўлса, 147 та маҳаллага янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Жумладан, Сирдарё туманидаги “Пахтакор”

маҳалласи ходимлари янги бинада иш бошлади. “Еттилик” вакиллари шу кунгача йигиннинг ўз биноси йўқлиги туфайли битта хонада ишлаётган эди. Бу иш унумдорлигига салбий таъсир қиларди. Эндиликда янги ишга тушган замонавий, барча қўлайликка эга бўлган маҳалла биносига “маҳалла еттилиги” фаолият кўрсатиши учун барча зарур шарт-шароит яратилди.

Давоми 2-саҳифада.

БУГУНГИ СОНДА:

“Ишимизга виждонан ёндашсак, маҳаллада ҳамжиҳатлик бўлади”

“Худудда жиноятчилик ва оилавий ажралишларнинг олдини олишга доир режа ишлаб чиқдик. “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида электрон кузатув маскани фаолияти йўлга қўйилди. Асосий мақсад — жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик”.

2-с.

Эришилган натижалар — яратилган имконият ва имтиёзлар маҳсули

“Маҳалла еттилиги” ташкил этилгач, мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, маҳаллаларда янги “ўсиш нуқталари” аниқланди. Аҳоли қўшимча даромад топишга ўргатилляпти. Натижада балиқчилик, боғдорчилик, томорқачилик ривожланди. Бугунги кунда ҳудудда кўчма дўконлар жойлаштирилиб зарур хизматлар кўрсатилляпти.”

4-с.

Бирдамлик, кўмакка шайлик ва умид кайфияти ҳукмрон

Ижтимоий хизматлар энди фақат мурожаат асосида эмас, балки ташаббускорлик билан, фаол қидирув ва баҳолаш орқали амалга оширилади. Ижтимоий ҳодим “маҳалла еттилиги” тизимининг янги иштирокчиси бўлса-да, аммо аллақачон аҳоли ишончини қозонишни бошлаган инсонпарвар ва кўмак кўрсатувчи мутахассисдир. У давлат ва фуқаро ўртасида ишонч кўприги бўлиб хизмат қилмоқда.

6-с.

“Еттилик”ка пенсия бўйича муҳим вазифа юкланди

Президентимиз “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитаси ҳамда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан замонавий хизматларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонни имзолади.

Фармонга кўра, пенсия билан боғлиқ маълумотлар рақамлаштирилиб, фуқаролар учун қўлай ва автоматик хизматлар жорий этилади. Жорий йил июль-октябрь ойларида ҳар бир маҳаллада ҳоким ёрдамчилари “Маҳалла еттилиги” аъзолари билан биргаликда фуқароларнинг меҳнат дафтарчаси маълумотларини туман (шаҳар) бандлик ва камбағалликни

“2026 йил 1 декабрдан “Менинг пенсиям” онлайн хизмати йўлга қўйилади.”



қисқартириш бўлимлари орқали рақамлаштириш бўйича тарғибот ишларини амалга оширади.

2026 йил 1 августгача олий таълим муассасалари

талабаларининг ўқиш даврига оид маълумотлари тўлиқ рақамлаштирилади. Ушбу маълумотлар автоматик равишда электрон базалар орқали тегишли

вазирликка юборилади. Шунингдек, 2025 йил 1 октябрга қадар мажбурий ижро жараёнида ундирувни пенсия тўловларига қаратишдан аввал фуқароларни хабардор қилиш тизими жорий этилади.

“Менинг пенсиям” онлайн хизмати орқали иш стаж ва ойлиқлар асосида пенсия миқдори олдиндан аниқланади. Пенсия билан боғлиқ барча хизматлар тўлиқ электрон, проактив ва интерактив шаклга ўтказилади. Яъни фуқаро ариза бермасдан ҳам хизмат автоматик амалга оширилади.

МОҲИЯТ

“ИШОНЧ БИЛАН
ҲАР ИШНИ
УДДАЛАШ
ОСОН”


7-с.



ТАОМ
ЕТКАЗИБ
БЕРИШ
ХИЗМАТИ

ЕТКАЗИБ
БЕРИШ КЕЧИКСА,
ҚЎШИМЧА
ТАОМ БЕРИШ
ЖОИЗМИ?

8-с.



Президент
Шавкат Мирзиёев
Қатар Давлати Амири
Шайх Тамим бин
Ҳамад Ол Соний билан
ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ
МУЛОҚОТ ҚИЛДИ.



Давлатимиз раҳбари
НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА
ИСЛОҲОТЛАР
НАТИЖАДОРЛИГИ ва
лойиҳалар ижроси
юзасидан ҳисобот
билан танишди.



Президентимизга
ЖИЗЗАХ
ВИЛОЯТИДАГИ
ИШЛАРНИНГ БОРИШИ
ва аҳолини қўйнаётган
масалалар ҳал этилиши
юзасидан ҳисобот
берилди.

ЖАРАЁН

205 та маҳалла кўркам ва шинам бинога эга бўлди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Санжар ИБРОҲИМОВ.

Фақат бугина эмас, жараёнда мавжуд маҳалла биноларини бугунги кун талабларига мослаштиришга ҳам урғу берилляпти. Натижада хизмат биносига эга бўлган маҳаллаларнинг 224 таси жорий, 21 таси капитал таъмирланди, 13 таси реконструкция қилинган бўлса, 34 тасига (13 та маҳаллий бюджет, 7 та давлат-хусусий шерикчилик асосида, 14 та хомийлик ва бошқа манбалар) янги бино қуриб берилди. Ўз

хизмат биносига эга бўлган 8 664 та маҳалладан 7 906 тасининг кадастр ҳужжати мавжуд бўлиб, жорий йилда 3 081 та йиғин биносининг кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилди.

Бугун жойларда кўпчилик аҳоли хонадонлари, давлат ташкилотлари муқобил электр энергиялари, хусусан, қуёш панелларини ўрнатишга қизиқиш билдирмоқда. Зотан, бу доимий, кафолатланган электр токидан фойдаланиш имконини беради. Айни жараёндан маҳалла бинолари ҳам четда қолмаяпти.

Уюшма маълумотига кўра, ҳозиргача республика бўйича 1 928 та маҳалла биносига қуёш панеллари ўрнатилган. Жорий йилда яна 1 000 та маҳалла биноси шундай ускуналар билан таъминланади. 2025 йилнинг ўтган даврида 529 та йиғин биносига қуёш панеллари жойлаштирилди. Худди шундай, хомийлик, маҳаллий бюджет, Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси, кредит маблағлари ҳисобидан 1 926 та кам таъминланган оилаларнинг хонадонига қуёш панели қўйилди.

Хусусан, Вобкент туманидаги “Кумушкент” маҳалласи биносига умумий қуввати 4 кВт./соатга тенг тўртта қуёш панели ўрнатилгани кишин-ёзин муқобил энергиядан фойдаланиш имконини бермоқда. Бу қуёш панелларининг ўзига хос хусусияти шундаки, икки томонлама қувватланувчи монокристал панелга эга бўлиб, тўғридан-тўғри қуёш нури тушмаган ҳолда ҳам булулти кунда ҳам ёруғлик-



2024 йилда 313 та маҳалла биноси янгидан қурилди, 523 таси жорий, 102 таси капитал таъмирланди, 95 таси реконструкция қилинди. 1 336 та йиғин биносига қуёш панели ўрнатилиб, 1 248 тасининг кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилди.

ни ўзида қабул қилиб, қайта ишлаш имконига эга.

Бугун маҳаллани одамларга энг яқин тузилмага айлантиришда нафақат унинг биноларини янгилашга эътибор қаратиляпти, балки моддий техника базасини мустаҳкамлаш ҳам доимий диққат-марказда. Жорий йилнинг ўтган даврида йиғинларга 519 та планшет, 9 та ноутбук, 931 та янги компьютер, 681 та принтер, 5 та телевизор, 200 та иситиш ва совитиш жиҳози (кондиционер) ҳамда 201 та маҳаллага 185 та стол, 837 та стул, 107 та офис шкафи олиб берилди.

Умуман олганда, юқоридаги ҳолатлар — янги маҳалла биноларининг фойдаланишга топширилиши, мавжудларининг замон талабларига мослаштирилиши, уларга қуёш панеллари ўрнатилиб, моддий-техника базанинг яхшилланиши ходимларнинг иш самарадорлигини оширмоқда. Қолаверса, аҳоли муурожаатларини ўз вақтида қабул қилиб, ҳал этиш, тегишли ташкилотларга йўналтириш имконини ҳам берапти.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Элдор ОТАМУРОВОВ.

Бойсун тумани:

— Менга отамдан уй мерос бўлиб ўтди. Уни яқин кунларда сотмоқчиман ва бошқа биров номига расмийлаштираман. Айни ҳолатда даромад солиғи ҳисобланадими? Агар шундай бўлса, унинг миқдори қанча бўлиши мумкин?

МЕРОС ҚОЛДИРИЛГАН УЙ СОТИЛСА, СОЛИҚ ТЎЛАНАДИМИ?

Анвар ЗОКИРОВ,

хуқуқшунос:

— Солиқ кодексига мувофиқ, агар ҳисмоний шахс ўз мулкидаги янги сотиб олган тураржойини 36 ойдан кам вақт ичида сотса, унда даромад солиғи тўлаш мажбурияти вужудга келади. Масалан, сиз уйни 2025 йил май ойида олган бўлсангиз, уни 2028 йил май ойидан кейингигина солиқсиз сотиш ҳуқуқига эга бўласиз. Агар ундан олдин сотсангиз ёки реализация қилсангиз (яъни бошқа шахсга пуллик асосда расмийлаштириб берилса), у ҳолда даромад солиғини тўлашингиз керак бўлади.

Солиқ қанча миқдорда бўлади? Солиқ кодексига асосан, даромад — уйни сотиш нархи билан унинг олиш қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида аниқланади. Бу фарқнинг 12 фоизи солиқ сифатида ҳисобланади. Мисол учун:

- уйнинг кадастр (инвентарь) қиймати — 50 миллион сўм;
- сотиш нархи — 300 миллион сўм;
- даромад — 250 миллион сўм;
- солиқ — 250 миллионнинг 12 фоизи — 30 миллион сўм.

Шундай қилиб, уйни сотган ёки пуллик асосда бошқа шахсга расмийлаштирган тақдирда, фуқаролар 30 миллион сўмгача солиқ тўлаши мумкин. Бу миқдор уйнинг қиймати ва кадастр ҳужжатларига қараб ўзгаради.

Қонунчиликда фақат мерос ва айрим ҳолларда ҳада (совға) асосида мулкни бошқа шахсга ўтказишда солиқдан озод этиш кўзда тутилган. Бироқ ҳада муносабатида шахслар ўртасидаги қариндошлик даражаси ва расмийлаштириш шакли катта аҳамиятга эга. Шу боис ҳар бир ҳолат нотариус ёки солиқ органи томонидан алоҳида кўриб чиқилади.

Агар сиз мерос тариқасида олган уйни 3 йил тўлмасдан сотмоқчи ёки бошқа киши номига пуллик асосда расмийлаштирмоқчи бўлсангиз, даромад солиғи тўлаш мажбурияти юзага келади. Бу солиқ уйнинг кадастр ва сотиш нархи орасидаги фарқдан ҳисобланиб, 12 фоиз миқдорда белгиланади.

МАНЗАРА

Халқ дардини юракдан ҳис қилмасангиз, одамлар ортингиздан эргашмайди



Маҳалламизда 3 800 нафарга яқин аҳоли яшайди. Худуд кичик бўлса-да, одамларимиз ғайрати, тиришқоқлиги билан ҳамиша ажралиб туради. Айниқса, хизмат кўрсатиш соҳаси йиғинининг асосий ҳаракатлантурувчи кучига айланган. Кўпчилик ўз бизнесига эга — тўйхона, савдо дўкони, кафе ёки ресторан орқали нафақат ўз оиласига даромад келтиряпти, балки маҳалладошларига ҳам иш ўринлари яратяпти.

Назозат АҚОБИРОВА,
Бухоро туманидаги
“Дўстлик” маҳалласи раиси.

Айни пайтда маҳалламизда ишсизлик даражаси атиги 2 фоизни ташкил этади.

Бу жуда қувонарли ҳолат. Албатта, бу даражага эришнининг ўзи бўлмайди. “Маҳалла еттилиги” билан биргаликда аҳолини камбағалликдан чиқариш, ишсиз фуқароларни банд қилиш, миграциядан қайтганларни ижтимоий ҳаётга қайта жалб этиш борасида жиддий ишляяпмиз. Ҳоким ёрдамчиси оилавий тадбиркорликни бошламоқчи бўлганларга имтиёзли кредитлар ажратяпти. Уларнинг бизнес-режасини биргаликда кўриб чиқамиз, маслаҳат берамиз, керак бўлса, ускунасини олиб берамиз. Аёллар, ёшлар, миграциядан қайтганлар орасида ҳаётини яхшилашга интиляётган кўп. Биз эса имкониятлар эшигини очиб беришга ҳаракат қилаяпмиз.

Бир мисол: яқинда хориждан келган эр-хотин нима қилишни билмай, иккиланиб юрган эди. Аёлни “Аёллар дафтери”га кириптидик.



“Маҳалла еттилиги”, айниқса, йиғин раиси халқ дардини юракдан ҳис қилмаса, ҳар бир муурожаатга ўз муаммоси каби ёндашмаса, одамлар ортингиздан эргашмайди.

Турмуш ўртоғига имтиёзли кредит олиб бериб, музқаймоқ тайёрлайдиган ускуна, шарбат қадоклайдиган кичик қурилма билан таъминладик. Худуддаги кичик бозорчадан жой ажратиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйишига кўмаклашдик. Бугунги кунда бу оиланинг ўз даромади бор. Тикувчилик, новвойчилик, ширинлик пишириш — бу ишлар кўпчилик аёл ва эркакларимиз учун нафақат касб, балки даромад манбаига айланган. Кимда қандай қобилият бўлса, биз уни аниқлаб, шу йўналишга йўналтирамиз. Масалан, бир ёш аёл ўз уйда ширинликлар тайёрлайдиган кичик цех очди. Ҳар хил пишириқларни буюртма асосида тайёрлайди. Тўй, тадбирлар олдида телефон қилиб буюртма

беришади. Бу аёл энди ўзи билан бирга, кўшни қизларни ҳам иш билан банд қилган.

Бугун одамларимизнинг онги ўсган. Аввалгидек ўз муаммоси билан идорама-идора юрмайди. Ҳар қандай масалада маҳаллага келади. Янги чиқаётган қарорлар, имтиёзлар ҳақида хабардор бўлиб боради. Ҳар бир йўналишда фаолларимиз бор. Кимдир аёллар билан, кимдир ёшлар, кимдир кекса ва ногиронлар билан ишлайди. Ҳар бир муурожаат бирга муҳокама қилинади, йўл-йўриқ кўрсатилади.

Маҳалла, бу — фақат бинолар ёки кўчалар ҳамланмаси эмас, балки одамлар билан ишлайдиган, уларнинг муаммосига ечим топадиган маскан. Қандайдир расмий топшириқларни эмас, балки халқнинг дардини юракдан ҳис қиладиган, ҳар бир хонадонга меҳр билан қарайдиган раҳбарлар билан ҳамкорликда иш олиб борапмиз. Асосий мақсадимиз — маҳалламизни ишсизликдан, камбағалликдан холи худудга айлантириш, одамларимизни хунарли ва мустақил даромад эгаси қилиш. Бу йўлда тиним бўлмаймиз.

ТАЖРИБА

“ИШИМИЗГА ВИЖДОНАН ЁНДАШСАК, МАҲАЛЛАДА ҲАМЖИҲАТЛИК БЎЛАДИ”

Юртимизда “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси жорий этилган, одамлар ўз маҳалласининг ободлиги учун биргаликда ҳаракат қилмоқликни ўрганди. Бу лойиҳа орқали фуқароларнинг молиявий саводхонлиги ошди. Бюджет маблағлари сарфланишида иштирок этишлари учун имкон берадиган давлат ва жамият ўртасидаги ишончли кўприк вужудга келди. Мухими, узоқ йиллардан бери ҳал этилмай келаятган муаммоларга ечим топилаётган.

Собиржон
ДАДАМИРЗАЕВ,
Уйчи туманидаги
“Истиқлол” маҳалласи
раиси.

Бизнинг худудда ҳам мавжуд ўнча кўчанинг 15 километр масофадаги ички йўллари яқин-яқингача таъмирталаб аҳволда эди. Шу боис уни асфальтлаш учун лойиҳага таклиф киритдик. Танловда ғолиб чиқиб, 1,5 миллиард сўм маблағ ютиб олдик. Бу маблағ эвазига Шодиёна, Бой кўча, Зулфия, Наманган проезд-1 ва Исломобод кўчалари тўлиқ асфальтланди. Эътиборлиси, ҳозирга қадар 12 километр ички йўл замонавий кўринишга келди.

Президентимиз ёшлар билан учрашувда маҳаллада тинчлик, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат, соғлом муҳит юзага келиши учун “еттилик” ўз ишига виждонан ёндашиши лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Шу тавсиялардан келиб чиқиб, худудда жиноятчилик ва оилавий ажралишларнинг олдини олишга доир режа

уचун, биринчи навбатда, соғлом муҳит шакллантирилиб, нотинч оилалар, жиноятга мойиллиги бор ёшлар нуронийларга бириктирилди. Шунингдек, хорижда ишляётган маҳалладошларимиз билан доимий алоқа ўрнатганмиз. У ерда кам даромад топаётган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолганларнинг Ватанга қайтишига кўмаклашяпмиз. Мисол учун, Саидбек Раҳимов яқингача оиласидан олиса ишляшга мажбур бўларди. У билан “маҳалла еттилиги” ходимлари суҳбатлашиб, бир қатор таклифлар бердик. Жумладан, Ватанга қайтса, “Овчибулоқ” саноат худудида тадбиркорлик фаолиятини бошлаши мумкинлигини айтдик. Бунинг учун молиявий кўмак берилишини эшитган Саидбек оиласи бағрига қайтди. Унга 80 миллион сўм имтиёзли кредит маблағи ажратилди. Ҳозирда пеноблок ишлаб чиқармоқда. Эътиборлиси, у маҳалладаги 6 нафар ёшнинг бандлигини таъминлашга эришди.



ишлаб чиқдик. “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида электрон кузатув маскани фаолияти йўлга қўйилди. Асосий мақсад — жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик, бундай ҳолатларни тезкорлик билан аниқлаш.

Ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш, оилавий ажралишларнинг олдини олишга алоҳида эътибор берапмиз. Ҳозинг

Жорий йил миграциядан 35 нафар фуқаро қайтган бўлса, барчаси доимий даромад манбаига эга бўлди. Маҳаллада мавжуд кўп қаватли уйга 2 миллион сўм маблағ сарфлаб, оқова қувурлар тизimini ўтказилди. Мавжуд бўш тайхонда “Маҳалла боғи” ташкил этдик. Жорий йил охиригача маҳалла музейи ва кутубхонаси ташкил этилмади.



Хукумат қарори билан Куролли Кучлари сафидаги МУДДАТЛИ ҲАРБІЙ ХИЗМАТНИ ЎТАШ УЧУН танлаб олиш тартиби белгиланди.



Давлат олий таълим муассасалари магистратура босқичига рўйхатдан ўтиш бошланди. ЖАРАЁН 30 ИЮЛГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ.



ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛАРИГА Канада, Австралия ва Аргентина каби давлатлар визаларини расмийлаштириш тартиби соддалаштирилади.

Маҳалла банкирига мурожаатнинг ўзи кифоя

ЯНГИ ТИЗИМ

Маҳалла банкири. Бу атама кундалик ҳаётимизга кириб келганига кўп бўлгани йўқ. Аммо янги тизим аҳоли муаммоларини ўрганиб, ҳал қилиш, бандлигини таъминлаш, фаровонлигини ошириш, ғоя ва ташаббусларни юзага чиқаришда кўл келмоқда.

Энди ҳар бир маҳалланинг имконияти чуқур ўрганилиб, қайси бизнес қаярда ривожлана олиши ойдинлашди. Маҳалла банкири ва унинг ёрдамчиси фуқаролар билан бирма-бир гаплашиб, уларнинг лойиҳасини ғояга, бизнес режага айлантирувчи, керак бўлса, елкама-елка туриб, амалга оширувчи масъул вакил сифатида шаклланди. Аҳолини кредит олиш, қайтариш, бизнес очиш, маҳсулотини сотишга ўргатади, лойиҳаларга ҳамроҳлик қилади.

Бағдод туманидаги "Пахтаобод", "Самандарак", "Саховат" ва "Майлабой" йиғинларида маҳалла банкири сифатида иш бошлаган Муродилло Эргашев кўпнинг қорига ярашни мақсад қилган.

— Ишни ҳудудларни ўрганиб, белгиланган кўрсаткичлар бўйича камбағал оилалар, ишсизлар рўйхатини шакллантиришдан бошладим, — дейди Муродилло Эргашев. — Тўртта маҳаллада 10 тадан, жами 40 та микролойиҳани қўллаб-қувватлаш учун 1,5 миллиард сўмлик



имтиёзли кредит ажратилиши кўзда тутилган. Шу кунга қадар "Сайхунобод тажрибаси" асосида 40 нафар миқозга 800 миллион сўмлик микролойиҳалар ва лойиҳа пакетлари молиялаштирилиб, 80 кишининг бандлиги таъминланди. "Ўйчи тажрибаси" бўйича 180 та доимий иш ўрни яратиш режалаштирилган. "Бир маҳалла — бир маҳсулот" тамойили

асосида "Самандарак" маҳалласида томорқачилик, "Пахтаобод"да мебель ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқлари ривожланган. Фаолиятимиз давомиди бу борадаги ишлар салмоғини янада ошириб, ташаббускорларга амалий кўмак бераймиз.

Маҳалла банкири кўмагида "Пахтаобод" маҳалласида яшовчи Отабек Шерматовга "Маҳалла лойиҳаси" дас-

тури доирасида 50 миллион сўмлик кредит ажратилди. Бунинг ҳисобига хўжаликда чорвачилик йўналишида тадбиркорлик йўлга қўйилиб, хонадоннинг икки аъзоси иш билан таъминланди. "Майлабой" маҳалласида истиқомат қилувчи Рустамжон Азаматов новвойлик фаолиятини кенгайтириш учун 15,5 миллион сўм имтиёзли кредит олди. Натижада у иккита янги иш ўрни очди.

Ўйчи керакки, энди одамлар бирор лойиҳани амалга ошириш учун кредит олмақчи бўлса, аввалгидек банк муассасаларига боришига зарурат йўқ. Маҳалла банкирига мурожаат қилишнинг ўзи кифоя. Лойиҳа ҳақида ўйланган тақдирда ҳам маҳалла банкирларининг ўзи хонадонларга кириб бориб, таклиф ва маслаҳатини беради. Чунки улар ўзига берибтирилган маҳаллалардаги ҳар бир хонадон билан алоҳида ишлайди.

Фарғона туманининг Бегуний номидаги маҳалласида яшаш хонадониди ноёб паррандаларни

парваришлаб келаётган Абдорбек Абдурахмоновга маҳалла банкири Саидмурод Мўминовнинг ёрдами билан 17 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Тадбиркор ушбу маблағ эвазига қўшимча равишда асалари парваришлашни ҳам йўлга қўйди.

— Аввало, Президентимизга раҳмат айтмоқчиман, — дейди Абдорбек Абдурахмонов. — Бугун банкирларни маҳалланинг ўзига олиб келиб қўйди. Бу — аҳоли учун катта имконият, аслида. Улар ҳар бир хонадонга кириб, одамлар билан суҳбатлашяпти. Бу тизимдан аҳоли мамнун бўлмоқда. Кимдир тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлса, ҳозир бунинг учун барча имкониятлар бор.

Юқоридаги каби мисолларни яна қўллаб келтириш мумкин. Зотан, бугун ҳар бир маҳалланинг ўз банкири бор. Улар аҳолининг том маънодаги кўмакчиси, маслаҳадшига айланди. Янги тизим маҳаллалар иқтисодий фаолиятини мустаҳкамлаш, аҳоли манфаати ва фаровонлигини ошириш, ташаббускорларни рағбатлантириш, иш тажрибаларини омма-лаштиришга хизмат қилмоқда.

ТОМОРҚА МАКТАБИ

ИССИҚ ҲАРОРАТ ПОМИДОРГА ҚАНДАЙ ТАЪСИР КЎРСАТАДИ?



Ҳароратдаги кескин ўзгаришлар иссиқхонада ва очик дала шароитида етиштирилаётган экинлар учун салбий таъсир кўрсатади. Айниқса, иссиқхонадаги помидор баргларининг буралиб, қуришига олиб келади.

Рустам НИЗОМОВ, Сабзавот, полиз экинлари, картошқачилик илмий-тадқиқот институти директори.

Мутахассислар тавсиясига кўра, иссиқхонадаги энг мақбул ҳарорат — кундузи +22, кечаси +18 даража бўлиши керак. +30 даражадан юқори ҳарорат экинларни нобуд қилади. Барглари найсимон шаклда буралиб қолади. Кечки вақтда ҳаво салқинлаши билан улар яна ўз ҳолига кела бошлайди. Муаммони бартараф этиш учун, эшик ва деразаларни очиб, ҳаво айланишини таъминлаш, иссиқхонани бўрда оқлаб чиқиш, махсус мато билан соялаш керак.

Жуда қаттиқ иссиқ бўлганида очик даладаги помидор эгталари устини соялаш, нитроаммофоска ўғитини аввал сувда эритиб, 1 м² майдонга 20 грамм ҳисобида озиклантириш мумкин. Шунингдек, эрталабки ёки кечки вақтларда экинни яхшилаб суғориш лозим.

Агар иссиқдан барглари ичкарига буралиб қолаётган бўлса, карбамидли аралашмани сепиш лозим. Бу аралашмани тайёрлаш учун 10 литр сувга 2 ош қошиқ карбамид солинади. Бир неча кун ўтиб, такрорий равишда қалий сульфатни 10 литр сувда 10 грамм меъёрида эритиб, ишлов бериш лозим. 10 литр миқдордаги аралашма 10-11 тупга етади.

“Таклифим — фоизсиз кредит ажратиш керак”

Айни кунда маҳаллаларда “драйвер” соҳаларни янада ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, оилалар ва уларда яшовчилар моддий манфаатдорлигини оширишга эътибор кучайтирилмоқда.

Санъат АБДУЛЛАЕВ, Пешку туманидаги “Кучоқ” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Маҳалламизда “ўсиш нуқта” миз — чорвачилик, аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатиш тармоғини ривожлантириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, томорқадан унумли фойдаланишга эришилмоқда. Сайхунобод ва Ўйчи туманлари тажрибалари асосида ишсизлик ва камбағаллик қисқартирилмоқда.

Мисол учун, Нурмуҳаммад Ҳайитовга тадбиркорлик ишини йўлга қўйиши учун 100 миллион сўм имтиёзли кредит маблағи ажратилгани айни муддао бўлди. Бу сармоёга ҳаваскор йигит

миллий ширинликлар, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш йўналишида бизнес лойиҳасини амалга оширишга киришди. Муҳими, хайрли ташаббус туфайли Нурмуҳаммад ўзининг миллий ширинликлар корхонасида 5 нафар ишсиз аёлнинг бандлигини таъминлади.

Бундан ташқари, “Ҳар бир оила — тадбиркор” лойиҳаси асосида талабгорлар молиявий қўллаб-қувватланмоқда. Жорий йилнинг ўзида ушбу дастур орқали ўнлаб оилалар камбағал ва ишсизлар рўйхатидан чиқарилди.

Қамола Тошева 33 миллион сўм маблағ эвазига 6 бош қорамол, 2 бош қўй-қўзи сотиб олди. Ҳозирда чорвачилик билан шуғулланиб, турмуш фаровонлигини таъминлаган. Шунингдек, 33 миллион сўм имтиёзли кредит ҳисобидан Комил Сайфуллаев

Ишсиз ва камбағал оила вакиллари ҳудуддаги хусусий корхоналарга ишга жойланишти. Талабгорларга имтиёзли кредит бериляпти.

хўлисидидаги экин ерининг 1 сотих қисмида ихчам иссиқхона барпо этди. Бунинг натижасида хонадондаги 2 нафар оила аъзосининг бандлиги таъминланди.

Мадий Неков яқингача ижтимоий муҳофазага муҳтож, ишсиз ва даромадсиз фуқаролар қаторида эди. Унга ҳам тавсиянома асосида 33 миллион сўм миқдоридаги имтиёзли кредит маблағи берилди. Бу сармоёга чорвачиликни йўлга қўйди.

“Ижтимоий ҳимоя реестри”да турган Шоира Наимова 100 миллион сўм маблағ олиб, 18 сотих майдонда иссиқхона қурди. Бу ерда помидор ва бодринг парваришлаб, йилга 50 миллион сўм даромад топмоқда.

Таклифим, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш учун талабгорларга фоизсиз кредит ажратишни йўлга қўйиш керак.



Ярим асрлик муаммога ечим топилди

Наманган шаҳридаги “Саноат” маҳалласида ярим асрлик муаммога ечим топилиб, ичимлик сув тармоғи янгиланди.

— Бошқа ҳудудларга нисбатан Наманган шаҳрида аҳоли зич жойлашгани сабабли ичимлик сувага эҳтиёж ва талаб юқори, — дейди Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Наманган шаҳар бўлими бошлиғи Мирзохид Маҳмудов. — Шу сабабли эскирган ва муаммолар тармоқларни янгилаш, аҳолига сифатли тоза ичимлик сув етказиб бериш мақсад қилинган. Жумладан, “Саноат” маҳалласида тоза ичимлик сув

тармоғи янгиланиб, 630 та хонадонга оби ҳаёт кириб борди. Бу билан аҳолининг қарийб 45 йиллик муаммоси ҳал бўлди.

Маълумотларга кўра, Наманган шаҳрида жорий йилда 15 км. масофага ичимлик сув тармоғи тортиш режалаштирилган. Ҳозирги кунга қадар 10 га яқин маҳаллада ишлар якунланиб, 9 км. узунликдаги тармоқ тортиб бўлинди.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Алишер ҲАКИМОВ. Жиззах вилояти:

— Ўғлим ҳоким ёрдамчиси сифатида ҳозирги лавозимида беш ойдан буён ишлаяпти. Яқинда уни уйлантирмоқчимиз, бу вазиятда у ҳар йилги меҳнат таътилини олиши мумкинми?

БИРИНЧИ ИШ ЙИЛИ УЧУН ТАЪТИЛ БЕРИЛАДИМИ?

Ҳабибулло МАРДИЕВ, “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази масъул ходими:

— Меҳнат қонунчилиги бўйича ходим расман ишга жойлашганидан кейин 6 ой ўтган, таътилга чиқиш ҳуқуқига эга бўлади. Шундай экан, бу вазиятда ҳар йилги меҳнат таътили берилмайди.

Ўз навбатида, олти ой ўтганига қадар ходимнинг хоҳишига кўра, қуйидагиларга ҳар йилги меҳнат таътили берилади:

- ☑ аёлларга — ҳомиладорлик ва туғиш таътилидан олдин ёки ундан кейин;
- ☑ ўн тўрт ёшга тўлмаган битта ёки ундан ортиқ болани (ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган болани) тарбиялаётган шахсларга;
- ☑ ўн саккиз ёшдан кичик бўлган шахсларга;
- ☑ резервга бўшатилганидан кейин уч ойдан кечиктирмай ишга кирган муддатли ҳарбий хизматни ўтаган собиқ ҳарбий хизматчиларга;
- ☑ 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари бўйича уларга тенглаштирилган шахсларга;
- ☑ I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ходимларга;
- ☑ ишдан ажралмаган ҳолда таълим ташкилотларида ўқиётганларга.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?





Давлат олийгоҳларига КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 14 ИЮЛДАН БОШЛАНАДИ. Жараён икки сменада 23 июлга қадар давом этади.



Ўзбекистоннинг ТАШҚИ ҚАРЗИ биринчи чоракда 4,3 миллиард долларга ўсиб, 68,4 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРГА ЕТДИ.



Ўзбекистонда 2026 йилдан бошлаб хусусийлаштирилган ер эгалари учун ЕР ВА МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ бирлаштирилиши мумкин.

4

№55 | 2025 йил 9 июль, ЧОРШАНБА

Mahalla

ХАБАРДОРМИСИЗ?

ХАБАРНОМАГА АСОСНОМА ТАҚДИМ ЭТИШ ШАРТ



Текширувдан олдинги таҳлил солиқ органи раҳбарининг буйруғи ва солиқ тўловчининг иштирокисиз “Авто-камерал” автоматлаштирилган ахборот тизими орқали ўтказилади.

Агар текширувдан олдинги таҳлил асосида солиқ тўловчилар фаолиятида тафовутлар ёки хатоликлар аниқланса, солиқ тўловчининг шахсий кабинетига солиқ ҳисоботидаги тегишли тузатишлар киритиш тўғрисида хабарномалар юборилади. **Солиқ тўловчи хабарномани олган кундан бошлаб 10 кун ичида солиқ органларига шахсий кабинети орқали аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини ёки аниқланган тафовутларнинг асосномасини тақдим этиши шарт.**

Агар ҳисоблаш формуласида ноаниқлик ва тушунмовчиликлар юзага келса, сизга бириктирилган солиқ инспекторига мурожаат қилинг. Ёки [my3.soliq.uz](#) сайтида эслатма ойнасида кўрсатилган рақамлар билан боғланинг. Шунингдек, қайта алоқа тизими [bot.soliq.uz](#) орқали хабар қолдиришингиз мумкин.

Мисол учун, бугунги кунда ҚҚС бўйича 01007-мезон юзасидан кўплаб саволлар келиб тушмоқда. Ушбу мезоннинг асосий моҳияти фойда солиғи ҳисоботининг 1-илова-си 220-сатрида кўрсатилган бошқа даромадларни ҚҚС ҳисоботида акс эттирмаслигини аниқлашдан иборат.

Солиқ тўловчилар ЭХФ ёки онлайн-НКТ чекларини расмийлаштирилиши лозим бўлган товар ва хизматлар реализация қилиш айланмаларига ҳам ушбу ҳужжатларни тузмасдан, фойда солиғи ҳисоботида бошқа даромадлар сифатида акс эттириб, ҚҚС тўланмаслик ҳолатлари кузатишмоқда. Мазкур ҳолатлар қайд этилган мезон асосида таҳлил қилинади.

Маълумот учун, текширувдан олдинги таҳлил тизимида фойдаланиладиган барча формулалар [my3.soliq.uz](#) сайтида жойлаштирилган.

Солиқ кўмитаси
Ахборот хизмати.

Мингга яқин тадбиркорга 1,3 триллион сўм ҚҚС қайтарилди

2025 йилнинг I ярим йиллигида “AAA” тоифадаги 934 та тадбиркорлик субъектига 1,3 триллион сўм ҚҚС автоматик равишда бир кунда қоплаб берилди.

Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини қонунчилик талабларига риоя этган ҳолда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларини аниқлаш ва рағбатлантиришни назарда тутди. **Энг юқори “AAA” тоифадаги рейтингга эга тад-**


биркорларда солиқ текширувлари ўтказилмайд. Жиноят ишлари доирасида ўтказилган текширишлар бундан мустасно. Шунингдек, ҚҚС суммаси 1 кун ичида қоплаб берилади, шу билан бирга, **камерал солиқ текшируви ўтказилмайд.**

Давлат корхоналари ҳамда устав фонди (устав капитали)да давлат улу-

ши 50 фоиз миқдорда ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар бу имтиёзга киритилмайд.

Маълумот учун, 2024 йилда “AAA” тоифадаги 1 099 та тадбиркорлик субъектига 1 932,8 миллиард сўм ҚҚС ҳеч қандай текширувларсиз, бир кунда автоматик равишда қайтариб берилган.

ЭШИТДИНГИЗМИ?




СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ

Эришилган натижалар — яратилган имконият ва имтиёзлар маҳсули



Менга бириктирилган маҳаллалар аҳолисининг аксарияти деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Худудда ишсизлик юқори даражада бўлгани учун айрим фуқаролар қўшни – Навоий вилоятидаги завод ва корхоналарда ишлайди. Баъзилари чет элга кетган.

Бекзод БЕБИТОВ,
Пахтачи туманидаги
“Сулувкўрғон”, “Тараққиёт”,
“Гулобод” ва “Хайит Элбеги”
маҳаллалари солиқ инспектори.



Маҳалла етти-лиги” ташкил этилгач, мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, маҳаллаларда янги “ўсиш нуқта-лари” аниқланди. Аҳоли қўшимча даромад топишга ўргатилляпти. Натижада балиқчилик, боядорчи-лик, томорқачилик ривожланди. Мазкур маҳаллалар “Самарқанд–Бухоро” катта автомобиль йўли бўйида жойлашгани учун бу ерда савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси кенгайтириляпти. Бугунги кунда 17 та кўчма дўкон жойлаштири-либ, хайдовчи ва йўловчиларга зарур хизматлар кўрсатилляпти. “Сулувкўрғон” маҳалласида ўндан ортиқ тадбиркор балиқ-

чилик билан шуғулланади. Хар бирида ўнтадан ховуз бўлиб, бир мавсумда 20 тоннадан ортиқ балиқ етиштириб, бозорларга чиқариляпти. Энг муҳими, янги иш ўринлари яратилляпти. Биргина Амириддин Худойбердиев балиқ-чиликка ихтисослашган “Зараф-шон шўртанг хавзаси” фермер хўжалигини ташкил этиб, 8 та иш ўрни яратди.

Кувонарлиси, бу ерга келув-чилар сони кундан-кунга ортиб борапти. Шу боис яқинда **ушбу маҳалла экотуризм дастурига ки-ритилиб, меҳмонларга қўлайлик яратиш ишлари бошлаб юборил-ди**. Аввало, йўллар асфальтланди. Шунингдек, сайёҳларнинг ўзлари балиқ овлаб, пишириб ейишлар-и учун зарур шарт-шароитлар яратилляпти. Балиқхоналар олдида қўшимча 7 та кўчма дўкон кури-либ, ишсиз ёшларга берилди.

Маҳаллаларда боғдорчилик ва чорвачилик фермер хўжаликлари ривожланыпти. Ўйлаймани, келгу-



Бугунги кунда “Сулувкўрғон”, “Тараққиёт”, “Гулобод” ва “Хайит Элбеги” маҳаллаларида 71 та юридик шахс, 56 нафар яқка тартибдаги тадбиркор, 12 та пахта-ғалла, 14 та боғдорчилик ва чорвачилик, 19 та деҳқон хўжалиги бор. 2 255 нафар мол-мулк ва ер солиғи тўловчи мавжуд.



Агар ер солиғи нотўғри шакланса...

Ақбар БУРОНОВ.
Сурхондарё вилояти:

– Корхона-нинг қишлоқ хўжалиги ерлари ноқиш-лоқ тоифа-даги ерлар учун тақдим этиладиган ер солиғи ҳисобо-тида шаклла-ниб қолган. Бу ҳолатда нима қилиш керак?

Исматулло СЕВИНЧОВ,
Солиқ кўмитаси
бош инспектори:

– Агар корхонанинг барча ер майдонлари қишлоқ хўжалиги тои-фасида бўлса, ноқишлоқ (53-код) тоифадаги солиқ ҳисоботини тақдим этиш мажбурияти юзага кел-майд.

Агар бир вақтнинг ўзида корхонанинг қишлоқ ва ноқишлоқ тоифадаги ер участкалари мавжуд бўлса, бундай ҳолатда солиқ ор-ганларининг [my3.soliq.uz](#) портали орқали “Алоҳида солиқ ставкалари қўлла-ниладиган кўчмас мулк




объектлари ва ер участка-лари” интерактив хизма-тининг “Қишлоқ хўжалиги мақсадида фойдалани-ладиган ер участкалари учун” бўлими орқали со-лиқ органларини хабардор этиш лозим. Мурожаатга ер ажратиш тўғрисидаги қарор ва кадастр органла-рининг қишлоқ хўжалиги ер участкаси мавжудлиги тўғрисидаги маълумотини илова қилиш лозим.

Юборилган муро-жаатлар худудий солиқ бошқармаларининг масъул ходимлари томонидан белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

СОЛИҚЧИЛАР САМАРАЛИ КЎРСАТКИЧГА ЭГА БЎЛДИ

2025 йил июнь ойда “Маҳаллаларда солиқ органлари фаолияти” ахборот тизимида солиқ инспекторларининг самарадорлик кўрсаткичи (КРП) 70,5 баллни ташкил этди.



НАТИЖА


Умумий рейтингда солиқ ин-спекторлари ҳиссаси юқори бўлган ҳудудлар:

- Фарғона вилояти – 86,5 фоиз;
- Хоразм вилояти – 77,5 фоиз;
- Навоий вилояти – 75,5 фоиз.

Маҳаллаларга бириктирил-ган солиқ инспекторларининг 170 нафари 90 дан юқори балл жамғарган. Шундан 116 нафари 100 балл олиб, ой якуни бўйича мукофотлаш учун тавсия этилди.

Рейтинг кўрсаткичи:

- 55 дан 90 баллгача бўлган инспекторлар – 3 226 нафар;
- 55 баллдан паст бўлган инспекторлар – 576 нафарни ташкил этди.



Қимматбаҳо металллар соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берганлик учун ЖАРИМАНИНГ 50 ФОИЗИ МИҚДОРИДА МУКОФОТ берилади.



Ўзбекистонда интернет мониторинги натижасида йил бошидан бўён БОЛАЛАРГА НИСБАТАН 60 ТА ЗҲАВОНЛИК ҲОЛАТИ аниқланди.



Тошкентда 2025 йилнинг олти ойида 1 880 киши ТИЛАНЧИЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНГАНИ аниқланиб, уларнинг 70 нафарига маъмурий қамоқ жазоси тайинланди.

ЭШИТДИНГИЗМИ?

Ҳарбий хизматга танлаб олиш тартиби белгиланди

Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 7 июлдаги қарори билан “Қақир-лувчиларни танлаб олиш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланди. Мазкур Низом қақир-лувчиларни ҳарбий-техника мутахассисликлари бўйича тайёргарликка жалб этиш, Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари сафидаги муддатли ҳарбий хизматни ўташ учун танлаб олиш тартибини белгилайди.

Мақсадбек ҚҲҚОРОВ.

Ушбу ҳужжат асосида ҳарбий хизматга қақирлувчиларни тайёргарлик даражасини баҳолаш мақсадида танлов ташкил этилади. Танлов тадбирлари шаффоф ва холис ўтказилиши учун туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан Қақирлувчиларнинг ҳарбий хизматни ўташга тайёрглигини баҳолаш бўйича танлов кенгаши тузилади. Танлов кенгаши қақирлувчиларни танлаб олиш мақсадида уларнинг ҳарбий хизматни ўташга тайёрглигини баҳолаш тадбирларини ташкил қилади. Туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлиmlари “Электрон маълумотлар базаси”даги қақирув ресурсига кири-

тилган қақирлувчилар тўғрисидаги маълумотларни бирма-бир ўрганиб, навбатдаги қақирувда қақирш учун маҳаллада ўрганилиши лозим бўлган қақирлувчилар рўйхатини шакллантиради. Шакллантирилган рўйхат “Ёшлар баланси” электрон платформаси орқали тегишлича маҳаллаларга юборилади.

Ўрганиш ишларида қақирлувчилар ўзлари яшайдиган маҳаллада ота-оналари (ота-она ўрнини босувчи шахслар), туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлими вакили, профилактика инспектори, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаси шифокори, ёшлар етакчиси, маҳалла фуқаролар йиғини раиси иштирок этади. Улар қақирлувчи билан суҳбат ўтказиш орқали унинг ҳарбий хизматга бўлган қизиқиши ва иштиёқи, ҳуқуқбузарликлар содир

этгани, жавобгарликка тортилгани ва судлангани билан боғлиқ ҳолатларга, соғлиғи, билим даражаси, оилавий шароити ва бошқа маълумотларга аниқлик киритади.

Танлов қақирув йилидан аввалги йилнинг 10 августидан қақирув йилининг 10 февралига қадар ўтказилади. Қақирлувчилар танловда 1 йилда фақат 1 марта иштирок этиши мумкин.

Қақирлувчиларнинг умумжисмоний тайёргарлик даражаси турникда тортилиш, 100 метр ва 3000 метрга югуриш орқали баҳоланади.

Танлов кенгаши аъзолари танлов якунлари бўйича қақирлувчининг ҳарбий-техника мутахассисликлари бўйича тайёргарликка жалб этиш ёки уларнинг муддатли ҳарбий хизматни ўташи юзасидан тавсия этиш ёки тавсия этмаслик бўйича тегишли ҳулоса қабул қилади.



МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

“ҚАҚИР” МАҲАЛЛАСИ ТАЖРИБАЛАРИ ЭЛГА ТАТИЯПТИ

Қува туманидаги “Қақир” маҳалласи аҳолиси йиллар давомида кўчатчилик, деҳқончилик билан шуғулланиб келган.



Мафтуна МАМАСИДДИҚОВА, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Фарғона вилояти бошқармаси матбуот котиби.

Айни вақтда 93 гектардан ортиқ томорқаларда 100 хил турдан ортиқ кўчатлар етиштириляпти. Бундан ташқари, маҳаллада 320 та иссиқхона бор. Йил якунига қадар улар сонини 400 тага етказиш кўзда тутиляпти.

Яна бир аҳамиятли жиҳат, “Қақир” маҳалласида айни кунларда атиргулчиликда янгича ёндашув асосида замонавий совуқтич тизимга эга бўлган иссиқхоналар қурилган. Миришкор деҳқонлар ундан самарали фойдаланяпти. Бу эса ёзининг саратонида ҳам сифатли атиргул кўчатларини етиштириш имконини бермоқда.

Маҳалла ҳомийлик ҳаракатларида мақтаса арзигулик жиҳатлар кўп. Мисол учун, ўтган йили еттита хонадон ҳомийлик асосида таъмирланган эди. Бу йил эса 16 хонадонда таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Битта оилга янги уй-жой қуриб берияпти.

Яқинда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Фарғона вилояти бошқармаси маъсуллари ушбу маҳаллада бўлиб, “маҳалла еттичилиги” фаолияти билан танишиб, уларга керакли тавсиялар берди.

Бундан ташқари, томорқадан самарали фойдаланиш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, фуқароларни тадбиркорликка йўналтириш борасида амалга оширилаётган ишлар “хонадонбай” ўрганилди. Бу каби ўрганишлар вилоятнинг 19 та шаҳар ва туманида давом этмоқда.

ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ



Тарғибот сабаб, жиноятчилик жиловланяпти

“Терактаги” маҳалласидаги хизмат уйимда яшаётганим учун ҳар куни эрта тонгдан кўчаларни айланиб, кўчабошилари, фаоллар, отахону онахонлар билан мулоқотда бўлиб, тун қандай ўтгани, кимда, қандай муаммо борлиги билан қизиқаман. Сўнг идорага келиб, маҳалла раиси бошчилигида “еттилик” аъзолари иштирокида йиғилиш ўтказамиз. Унда ўз йўналишларимиз бўйича мавжуд муаммоларни муҳокама этиб, кунлик вазифаларимизни белгилаб оламиз.

Муҳаммадзиев МИРЗАЕВ, Тошлок туманидаги “Терактаги” маҳалласи профилактика инспектори.

Менинг асосий вазифам – маҳаллада хавфсиз муҳитни яратиш, жиноятчиликнинг барвақт олдини олишдир. Бу борадаги ишларни Президентимизнинг “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самардорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида белгилаб берилган муҳим вазифалардан келиб чиқиб давом эттиряпмиз. Оила ва турмуш муносабатлари

доирасида содир этиладиган жиноятларнинг олдини олишда “еттилик”нинг ҳар бир вакилига аниқ вазифалар белгиланиб, ушбу тоифадаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига янгича иш тартиблари татбиқ этиляпти.

Аҳолининг ҳуқуқий онги, ижтимоий фаоллиги ва фуқаролик масъулиятини ошириш, жиноят содир этилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган ижтимоий муаммоларни ҳал этишга жамоатчилик вакиллари, нуронийлар ва маҳалла фаоллари кенг жалб этилиб, тарғибот-тушунтириш ишлари давом эттириляпти. Ҳар бир оиланинг яшаш шароитини ўрганиб, “маҳалла еттичилиги” ҳамкорлигида зарур ёрдамлар кўрсатиляпти. Муаммоли масалалар маҳалла фаоллари муҳокамасига қўйилиб,



Бугун терактагиликларнинг бўш вақти йўқ. Ҳаммаси иш билан банд. Бири деҳқончилик, бири боғдорчилик, яна бири тадбиркорлик билан машғул.



ОГОҲ БЎЛИНГ!

ЎЗИНГИЗНИ ҲАМ, ПУЛИНГИЗНИ ҲАМ ФИРИБГАРЛАРДАН ЭҲТИЁТ ҚИЛИНГ!

Бугунги кунда кўпчилик эълон сайтлари хизматларидан фойдаланяпти. Кимгадир нимадир керак бўлса ёки кераксиз буюмининг сотиб юбормоқчи бўлса, мана шундай сайтлар хизматларига мурожаат қилади. Буюм расмга олинади, тармоққа жойланади, боғланиш учун рақамлар қолдирилади.

Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот хизмати.

Мана шу жараёндаги фибрибгарлик усулларидан огоҳ бўлиш лозим. Масалан, сизнинг смартфонингиз кераксиз бўлиб қолди ва уни сотиб юбормоқчисиз. Расмга олмасиз, тармоққа жойлайсиз, телефон рақамингизни қолдирасиз. Жараён якунланди.

Шунда сизга биринма-кетин харидорлар алоқага чиқишни бошлайди. Мана шу ерда бироз эътиборсизлик қиладиган бўлсангиз, банк пластик картангиздаги пуллар билан хайрлашингизга тўғри келади. Қандай дейсизми? Ҳозир тушунтириб ўтамиз.

Демак, сиз смартфонингизни анча қимматроққа сотиб юбормоқчисиз, унга нарх белгиладингиз. Фибрибгар сизга алоқага чиқади ва ўша нархда сотиб олиш имконияти борлигини маълум қилади ва унинг ортидан навбатчи сўзларни айта бошлайди. Масалан, “мен узокдаман, товaрни, буюмин, яъни смартфонни ҳозир бориб ола олмайман. Сотилиб кетмаслик учун мен сизга пулларингизни электрон тарзда тўлайман”, дейди. “Махсулотни эса курьер орқали менга юборасиз”, деб айтади. У сизга пулларни олишингиз учун ҳавола юборади. Сиз ҳаволага кирасиз, керакли маълумотларни, масалан, банк пластик картангиз маълумоти ва рақамини киритасиз. Тасдиқлаш учун ҳам код келади. Кодни киритасиз, қарабсизки, картангиздаги пуллар тийинигача ечиб олинади.



Эътибор қаратинг, фибрибгар сизга навбатчи сўзларни айтаяпти: “мен узокдаман, махсулотни ола олмайман, сотилиб кетилмаслиги учун сизга пулни электрон тарзда тўлайман”, дейди. Алданиб бўлганингиздан кейин у ёзишмаларни ўчириб юборади ва сизни “қора рўйхат”га жойлайди. Мана шу вазиятда нима қилиш керак? Энди ечимини ҳам айтиб ўтамиз.

Махсулотни интернетга жойлаштирдингизми, сиз билан алоқага чиққан харидорлар билан имкон қадар телефон орқали мулоқотга қилишга ҳаракат қилинг. “Пулларни ҳам юзма-юз кўришиб оламан”, деб шарт қўйинг.

Ўзингизга пухта бўлсангиз, фибрибгарларга алданиб қолмасиз. Ўзингизни ҳам, пулларингизни ҳам фибрибгарлардан эҳтиёт қилинг!



ЎЗБЕКИСТОН,
ОЗАРБАЙЖОН ВА
ҚОЗОҒИСТОН “яшил”
энергокоридор бўйича
қўшма корхона
ташқил этди.



Венгрияда сақланаётган
ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИГА
ОИД ҚўЛЁЗМАЛАР
нусахаси Тошкентда
намоиш этилади.



Ўзбекистонда
Австрия компанияси
иштирокида 1 200 гектар
майдонда ТОҒ-ЧАНҒИ
КУРОРТИ ҚУРИЛАДИ.

ТАҲЛИЛ

БИРДАМЛИК, КЎМАККА ШАЙЛИК ВА УМИД КАЙФИЯТИ ҲУКМРОН

Бугун маҳаллаларда фаолият юритаётган еттига асосий мутахассис — маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, ижтимоий ходим, профилактика ва солиқ инспекторларининг ўзаро ҳамкорликда ишлаши орқали аҳоли муаммоларига комплекс ёндашувни таъминлашга эришиляпти.



Фарид НАЗАРОВ,
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
Инсон ресурсларини ривожлантириш ва ижтимоий
иш методологияси бошқармаси бошлиғи.

Ижтимоий хизматлар энди фақат мурожаат асосида эмас, балки ташаббускорлик билан, фаол қидирув ва баҳолаш орқали амалга оширилади. Бу хизматлар аҳолининг ҳақиқий эҳтиёжларини жойида аниқлаш ва ҳал этишга қаратилган. Ижтимоий ходим, бу — «маҳалла еттилиги» тизимининг янги иштирокчиси бўлса-да, аммо аллақачон аҳоли ишончини қозонишни бошлаган инсонпарвар ва кўмак кўрсатувчи мутахасссдир. У фақат ёрдам берибгина қолмай, балки давлат ва фуқаро ўртасида ишонч кўприги бўлиб хизмат қилмоқда. Ижтимоий ходимга фуқароларнинг мураккаб ҳаётий вазиятларини енгиллаштиришга қаратилган хизматлар ваколати берилган. Унинг фаолияти аҳолининг ҳақиқий эҳтиёжларини аниқлаш, индивидуал ёндашув асосида кўмак кўрсатиш ва ижтимоий ҳимояни самарали ташқил этишга қаратилган.

“КЕЙС-МЕНЕЖМЕНТ” АСОСИДА МУКАММАЛ ЁНДАШУВ

Бугунги кунда ижтимоий хизматлар “кейс-менежмент” ёндашуви асосида амалга оширилаётгани — тизимни сифат жиҳатдан янги bosқичга олиб чиқди. Бу ҳар бир фуқаро учун алоҳида “ижтимоий иш” яратилиши, унинг ҳолати мажмуавий баҳоланиши ва турли ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликда интеграциялашган хизматлар кўрсатилишини аниқлатади. “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари орқали фуқароларга 100 дан ортиқ турдаги давлат ва нодавлат хизматлар тақдим этиляпти. Уларнинг орасида:

- ✓ *васийлик ва ҳомийлик;*
- ✓ *моддий ёрдам ва нафақалар;*
- ✓ *реабилитацион кўмак;*
- ✓ *психологик маслаҳат;*
- ✓ *юримдик маслаҳат ва ҳуқуқий ҳимоя;*
- ✓ *ногиронлиги бўлган шахслар учун техник воситалар ва бошқалар бор.*

Маҳалладаги ижтимоий ходим бу хизматларнинг барчасини бир нуқтада уйғуналаштирувчи, мурожаатларни қайд этиш, баҳолаш ва назорат қилиш бўйича масъул мутахассис сифатида ишламоқда.

ЯНГИ АВЛОД ИЖТИМОИЙ ХОДИМИ

Янги тизим ижтимоий ходим шахсини касбий мутахассис даражасига олиб чиқди. Энди ижтимоий ходим фақат маълумот тўпловчи эмас, балки ҳуқуқий маслаҳатчи, психолог ҳамда ходимлар ва ташкилотлар ўртасидаги координатор сифатида фаолият юритмоқда. Улар кейс-менежерлар сифатида тайёрланмоқда, ҳар бир мурожаатга муносабат индивидуал, мажмуавий ва bosқичма-bosқич ёндашув асосида амалга ошириляпти. Биргина сонларга тўхталадиган бўлсак, маҳалладаги ижтимоий ходимларнинг 65 фоизидан ортиғи хотин-қизлардан иборат. Улар болалар, ногиронлиги бўлган шахслар, зўравонлик қурбонлари билан мулоқотда эмпатия ва психологик ёндашув кўрсата олади. Бунинг учун улар болалар билан ишлаш бўйича махсус тайёргарлик кўришган, ота-оналик қобилияти паст бўлган oilаларда тарбия масалаларига эътибор қаратмоқда. Шу билан бирга, улар доимий равишда малака ошириш курслари, касбий этика машғулотлари орқали ўзини ривожлантирмоқда. Бу эса тизимни самарали ва барқарор ишлашини таъминлайди. Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, маҳалла даражасидаги ижтимоий хизматлар — бу янги даврнинг энг кучли воситаси. Ижтимоий ходим эса фаровонлиқни таъминловчи, аҳоли орасида ишонч уйғотувчи ва муаммоларни чуқур аниқловчи инсондир. Улар орқали маҳаллаларда бирдамлик, ёрдамга тайёрлик ва умид кайфияти кучаймоқда.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Қуруқ қоғоз тўлдириш, ҲИСОБОТ УЧУН ХАТЛОВ БИЛАН НАТИЖАГА ЭРИШИШ ҚИЙИН

Халқ ичида юриш, улар билан ҳамнафас яшашнинг гашти ўзгача. Гарчи ижтимоий ходим сифатида кўпроқ қийналган, ёрдамга муҳтож аҳоли вакиллари билан суҳбатлашам-да, кўнглим ҳамиша чароғон. Уларнинг кичик бир кўмақдан бошлари осмонга етгудек хурсанд бўлиши, ширин сўзимиздан юзларига кулгу югуриши ҳамма қийинчиликларимизни есдан чиқариб юборади.

Мафтуна ЭРМАТОВА,
Нурафшон шахар
Муқимий номидаги маҳалла
ижтимоий ходими.

Айни вақтда ҳудудимиздаги 630 та хонадонда 741 та oilа истиқомат қилади. Аҳоли сони 2 533 нафарни ташқил этади. Улар орасида ногиронлиги бўлган шахслар сони 70 нафар. “Ижтимоий ҳимоя янага реестри”да 44 та, “Камбағал oilалар реестри”да эса 21 та oilа қайд этилган. Бу фуқароларнинг ҳақиқий ҳаёти билан яқиндан танишиш ва муаммоларига ечим топиш ҳаётий мақсадимга айланган. Бирор хонадон эшигини шунчаки тақиллатиб бормайман. Қоғоз тўлдириш, ҳисобот учун хатловдан ўтказиш мен учун эмас. Ниятим — маҳалламизда ҳамма бирдек фаровон турмуш кечиришига эришиш. Бу йўлда қилинадиган ишлар жуда кўплигини билман. Лекин ҳаракат ва меҳнат билан барчасини уудалашга ишончим қомил.



Пиллапоядан қадам-бақадам чиқилганидек, биз маҳалла ходимлари ҳам орзуларимиз сари одимлашни аҳолининг энг қийналган қатламини қўллаб-қувватлаш орқали амалга оширяпмиз.

Шуҳрат Баротов оғир жароҳлиқ амалиётидан сўнг соғлиғини тиклаётган, ҳаётга қайтиш учун курашаётган инсон. Бу мураккаб йўлда унинг учун нафақат шифокорлар, балки маҳалла фаоллари ва ижтимоий хизматчиларнинг кўмаги ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Дастлаб, oilанинг шароити билан танишар эканмиз, уларни “Камбағал oilалар реестри”га киритиш ташаббуси илгари сурилди. Шу орқали бир қатор ёрдамлар амалга оширилди. Биринчидан, дориҳона учун зарур бўлган маблағ — 1 700 000 сўм “Саховат ва кўмак” жамғармаси орқали тўлаб берилди. Қўшимча

равишда, унга ногиронлиқ гуруҳини расмийлаштиришда амалий ёрдам кўрсатилди ва аравача тақдим этилди. Турмуш ўртоғи Сурайё Баротова ҳам эътибордан четда қолмади. Эрига қараб тургани учун унга махсус далолатнома орқали бир йиллик меҳнат стажи расмийлаштирилди. Oilанинг фарзандлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими доирасида кам таъминланганлик тоифасидаги имтиёزلардан фойдаланди. Кичкина фарзанди мактабгача таълим муассасасига бепул қабул қилинди. Кизи Сожида Зоқиржоновна эса маҳалладаги “Баркамол авлод” ўқув марказига тўлиқ бепул равишда жойлашти-

рилди ва у ҳозирда тўғарақда фаол иштирок этмоқда. Бугун Шуҳрат Баротов соғлиғига эътибор, oilасига меҳр ва фарзандларига иқоният берилаётганини ич-ичидан ҳис қилгани ҳолда ҳаётга ўзгача умид билан боқмоқда. Бу ҳолат инсонпарварлик, ечимга қаратилган ёндашув ва маҳалла фаолларининг самарали иши натижасидир. Энг муҳими, ижтимоий ҳимоя тизими ҳаётда ўринли ва ҳақиқий аҳамият касб этаётганини кўрсатади. Шу каби ишлар, oilа тақдиридаги ижобий ўзгаришлар давлат сиёсатининг маҳалла даражасида қандай татбиқ этилаётганининг ёрқин намунасидир.



ТАҚДИРЛАР

Муносиб ёрдам ҳаётга мослаштиради

Санжар бир йил олдин рўй берган бахтсиз ҳодиса туфайли чап қўлининг тирсак қисмидан пастини йўқотди. Бу нафақат жисмоний оғрик, балки у учун оғир руҳий синов бўлди.



Авазбек АБДУСАМАТОВ,
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
Сирдарё вилояти бошқармаси
матбуот котиби.

Йигит хонасидан чиқмас, бошқалар билан мулоқот қилмас, oilаси ҳам уни қандай қилиб ҳаётга қайта мослашишини билмас эди. — *Аваллига ўзимни ҳеч кимга керак эмасдек ҳис қилдим, — дейди Санжар Адирбоев. — Ҳатто, oilамга юк бўлдимми, деб ўйлаб қолардим. Лекин ижтимоий ходим келиб, мени эшитди. Шу суҳбат сабаб ўзимни қўлга олдим ва ҳаётга бошқача назар билан қарай бошладим.* Санжарнинг ҳолатини ўрганиш учун Гулистон шахридаги “Тараққиёт” маҳалласи

ижтимоий ходими Мухлиса Сулаймонова унинг хонадонига борди. Мураккаб руҳий ҳолатда бўлган йигит билан суҳбатлашиб, ишни психологик ёрдам кўрсатишдан бошлади. Шундан сўнг Санжарга давлат томонидан кафолатланган тарзда, **замонавий протез-қўл воситаси** расмийлаштирилди ва тақдим этилди. Бу нафақат жисмоний эркинлик, балки унинг ҳаётга муносабатини ҳам ўзгартирди. “Инсон” маркази кўмағида у **ишга жойлаштирилди**, спортга жалб этилди. Санжарнинг синглиси ва укаси ҳали ёш. Отаси нафақада, онаси ишламайди. Шу маънода унинг ҳаётни қайта бошлаши яқинлари тақдирини учун ҳам катта аҳамиятга эга эди. Ҳар бир инсонга мослашган ёрдам — унинг орзуларига етакловчи қадам бўлиши мумкин. Санжарнинг ҳикояси эса бунга ёрқин мисолдир.



ЛАВҲА

Ҳуқуқ ва манфаатлар муносиб таъминланди

Бухоро туманидаги “Қавола Маҳмуд” маҳалласида яшовчи, 1974 йилда туғилган Шоира Ҳасанова II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс сифатида рўйхатга олинган. Ижтимоий ходимлар томонидан ўтказилган хатлов жараёнида фуқаронинг бир қанча хизматларга эҳтиёжи мавжудлиги аниқланди.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Бухоро вилояти бошқармаси матбуот хизмати.


Шундан сўнг ўзаро ҳамкорликда, идоравий ёндашув асосида бир қанча ёрдамлар кўрсатилди. Фуқаронинг ўғли Россия Федерациясида яшаётганини инобатга олиб, Шоира Ҳасановага ижтимо-

ий ходим ассистенти бириктирилди. Ёлғизлик ва руҳий bosим оқибатида тушқунликка тушган фуқаро билан психологик маслаҳатлашув ва реабилитация ишлари олиб борилди. Собик турмуш ўртоғи томонидан туланмай келган алиментни ундириш мақсадида юридик хизматлар кўрсатилиши учун ариза расмийлаштирилиб, белгиланган маблағлар ундириб берилди.

Тиббий-ижтимоий экспертиза комиссияси хулосасига асосан, вазучер ёрдамда фуқаро қўлтиқтаёқ ва юриш ҳасаси билан таъминланди. Соғлиғини тиклаш мақсадида “Бухоро” санаторийсига навбатга қўйилди. “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатилди. Туман Санитария ва эпидемиология бўлими томонидан фуқаронинг яшаш манзилида бепул дезинфекция ишлари амалга оширилди. Шунингдек, аёл oilавий поликлиникага йўналтирилиб, унга имтиёзли тарзда бепул дори-дармонлар етказиб берилди.




Қўрилган бу каби мажмуавий чора-тадбирлар ногиронлиги бўлган ёлғиз инсонларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.



Ўзбекистон-Покистон
қўшма САВДО-САНОАТ
ПАЛАТАСИ тузилади.



Бразилияда бўлиб
ўтган БРИКС саммитида
ўнта давлат, жумладан,
ЎЗБЕКИСТОН
ТАШКИЛОТНИНГ ҲАМКОР
ДАВЛАТИ сифатида
тан олинди.



Дунёдаги энг
йирик инновацион
мегаполислардан бири
– Шанхай шаҳрида
ЎЗБЕКИСТОН РАҚАМЛИ
ТЕХНОЛОГИЯЛАР
МАРКАЗИ очилди.

ТАЖРИБА

МАҲОРАТ

Муроса билимни, ютуқлар ҳаракатни талаб қилади

...Бугунги тонгни можаро келиб чиққан хонадонда қарши олдик. Арзимас сабаб билан эр-хотин келишмай қолади. Ўртада анчагина гап-сўз ўтади. Ҳозирги ёшларни биласиз-ку, салгинага асабийлашиб кетишади. Жаҳл устида бир-бирининг дилини оғритади. Оқибатда келин ота уйига кетиб қолади.

Аввал аҳил-иноқ турмуш кечирган оила вакиллари билан алоҳида-алоҳида суҳбатлашдик. Қайнона-келин ва куёвнинг кечинмалари, бошдан кечирганларини диққат билан тингладик. Аслида, бир оилани муросага келтиришдек қийин вазифа бўлмаса керак. Лекин ҳар кўнгилга йўл топиб, ҳар қандай чигал вазиятни ҳал этиш мумкин. Фақат тўғри йўналишни танлай олиш муҳим.

Мазкур хонадон вакиллари билан 5-6 соат давом этган яраштириш ишлари орқали қутилган ижобий натижага эришдик. Қайнона келинини отасининг уйидан олиб келадиغان бўлди. Эрак ҳам турмуш ўртоғининг кўнглига қараб, чиройли муомала қилишга сўз берди...



ни муросага келтирдик. Гарчи ҳар бирининг муаммоси турлича бўлишига қарамай, маҳалламизнинг пиру ба-давлатлари ва "Оқила аёллар" ҳаракати аъзолари кўмаги билан ижобий натижаларга эришиб келяпмиз.

Биз қанча ҳаракат қил-майлик, айрим ҳолларда оиласини бузишни иста-ганларни йўлдан қайтариш қийин кечяпти. Хусусан, бу йил ҳисобидан ҳудудимизда битта ажрашиш қайд этилди. Эракнинг ичкиликка ружу қўйгани оилавий муносабат-ларни издан чиқаради. Ўрта-да жанжал, тўполон кўпаяди. Рўзгорнинг баракаси кетиб, ҳолат болалар тарбияси-га салбий таъсир кўрсата бошлайди. Она барчасига чек қўйиш мақсадида қатъий қарорга келади. Фарзандла-рини бағрига босиб, уйдан бош олиб чиқиб кетади. Узоқ йиллар давомида эр-хотин алоҳида-алоҳида яшайди.



Ниҳоят, шу кунларда улар расман ажрашди. Ўзилган ришталар, совиған қалбларни аввалги ҳолга қайтаришнинг имкони бўлмади.

Шу кунларда мени кўп ўйлантираётган бир муаммо бор. Иккита ажрашми ёқаси-га келиб қолган оила вакил-ларини яраштириш ташви-

шида юрибман. Бунинг учун қўлимдан келганча ҳаракат қиляпман. Ишончим комилки, "еттилик" ҳодимлари билан бу довлони ҳам ошиб ўта-миз.

Маҳалла тизимидаги ўн бир йиллик тажрибамга асосланиб айтишни мумкин-ки, оилалар ва хотин-қизлар билан ишлаш катта куч ва

билим талаб қилади. Бу бора-да кўпроқ натижага эришиш учун ҳамиша халқ орасида, эл ичида бўлишимиз талаб этилади. Орамизда турли тоифадаги ва кайфиятдаги инсонлар бор. Лекин барчаси бизнинг юртдошлар, бизнинг маҳалладошлар. Мен ва ҳам-касбларим давлатнинг бир вакили сифатида уларнинг тинч ва фаровон турмуш кечириши учун қўлимиздан келганча ёрдам беришимиз зарур.

Айни вақтда иккита маҳалламиз ҳудудида 3 030 нафар хотин-қиз рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг кўпчилиги давлат ташкилотларида фаолият юритади. Аёллар, асосан, ўқитувчи, ҳамшира ва тарбиячи бўлиб ишлайди. Ўйда фарзанд парвариши билан банд бўлганларни эса касб-хунар ўрганишга, шу орқали ўзини ўзи банд қилишга чорляямиз.

Бугунги маҳалла кеча-гидан тубдан фарқ қилади. Одамларимизнинг меҳнат қилишга, ўз устида ишлашга иштиёқи анча ортган. Атроф-дагиларнинг эришаётган ютуқ ва натижалари шу вақт-гача боқимандалик кайфи-ятида яшаб келаётганларни ҳам уйғонишга ундаяпти. Опа-сингилларимиз орасида ҳам тадбиркорлик қилиш истагидагилар сони кескин ортган. Аввал бизнес, деганда тасаввуримизга қийинчилик ва югур-югурлар келарди. Лекин энди шароит бутунлай ўзгарди. Давлат бераётган имтиёзли кредит ва субсиди-ялар ёрдамида ҳеч қандай маблаг тикмасдан даромад топишга эришиш мумкин. Бандлик эса ўз навбатида, ҳамиятнинг раванк топиши, аҳоли турмуш фаровонлиги-нинг ошишига хизмат қила-ди. Қолаверса, маҳаллаларда жиноятчилик ва ажрашишлар сони кескин камаюди.

“Ишонч билан ҳар ишни удадалаш осон”

Сирдарё вилояти Гулистон туманидаги "Озодбек туҳфаси" фермер хўжалигида 23 ёшли қиз механизатор бўлиб ишлайди.



Ғулом ПРИМОВ, журналист.

Тракторни маҳорат билан бош-қараётган Зиёда Жўрабоевани кўрган киши унга ҳавас ва ҳайрат билан боқади. У тракторни бошқариш, техник носозликларни бартараф этиш, агротехник тадбирларни маромига етказиб бажариш ишларини бобоси ҳамда марҳум отаси Олимжон Жўрабоевдан ўрганган.

Бугун Зиёда мамлакат тараққиёти ва ёшлар салоҳиятини юксалтиришга му-носиб ҳисса қўшаётган фаоллар сафиди. Президентнинг 2025 йил 28 июнь кунли имзоланган "Ёшлар куни муносабати билан фаол ва ташаббускор ёш авлод вакиллари билан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида" ги фармонида мувофиқ, Зиёда Жўрабоева "Келажақ бунёдкори" медали билан тақдирланди.

Бу юксак эътирофга у тракторни шун-чаки бошқариб эмас, балки самарали ва ҳалол меҳнати туфайли эришди.

— Механизаторликка болалигимдан қизикқанман, — дейди Зиёда Жўрабоева. — 17 ёшимда тракторни мустақил бошқара бошладим. Онам раҳбарлик қилаётган "Озодбек туҳфаси" фермер хўжалигидаги 14,4 гектар ерни бугдой ва пахта экишга тайёрлаш, экиладиган экинларга агро-техник тадбирларни амалга оширишни пухта ўзлаштирдим. Давлат раҳбарининг "Келажақ бунёдкори" медали билан тақдир-лаш менга катта масъулият ва қувонч бағишлади.

Зиёда нафақат тракторни, балки "Claas Dominator" ғалла ўрим комбайнини ҳам маҳорат билан бошқаради. Фермер хў-жалигидаги трактор билан боғлиқ барча юмушларни астойдил бажаради. Мана шу меҳнат самараси ўлароқ, онаси раҳбар-лик қилаётган "Озодбек туҳфаси" фермер хўжалиги 2022-2024 йиллар ва 2025 йилнинг ўтган даврида бугдой ва пахта етиштириш бўйича барча режаларни бажарди. Ғаллачиликда 105 фоиз, пахта-чиликда эса 108-110 фоиз натижа қайд этилди. Хосилдорлик гектарига бугдойдан 50-55, пахтадан эса 40-45 центнерни ташкил этди.

Зиёда шунчаки ишчи эмас, изланувчан ва билимга чанқоқ ёш мутахассис. Бўш вақтларида қишлоқ хўжалигига оид ада-биётларни муталаа қилади, ер унумдорли-гини ошириш ва юқори ҳосил етиштириш усулларини ўрганади. Шу билан бирга, механизаторликка қизиқиш билдирган икки дугонасига ҳам трактор ҳайдаш ва агротехник тадбирларни ўргатмоқда.

— Қизлар ҳам техникани ўзлаштира олади. Фақат ишонч керак. Менга ишониш-ди, энди мен ҳам уларга ишонч билдиришим керак, — дейди у.

Қаҳрамонимизни ўзига хос орзулари бор. Келгусида шахсий фермер хўжалиги-ни ташкил этиш ва қизлар учун техникага ихтисослашган амалий ўқув курслари очишни режалаштирган.

Зиёда жамоат ишларида ҳам фаол. 2024 йилда "Янги Ўзбекистон ёшлари, биларайлик!" шiori остида ташкил этилган ёшлар фестивалида иштирок этиб, Сирдарё вилояти ҳокимининг мақтов ёрлиғи билан тақдирланди. Шунингдек, Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган ёшлар сиёсатида бағишланган видеоселектор йиғилишида марказий студияда иштирок этди ва ўз фикр ҳамда келажақ режаларини билдирди. Бу эса Зиёданинг нафақат вилоятда, балки республика миқёсида ҳам фаол ёшлар қаторида эканини билдиради.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

Оилада мулоқот соғлом бўлса...

Оилавий мулоқот, бу — ўзаро муносабатларни вербал ва невербал кўринишларда ифодалаш жараёни бўлиб, у қанчалик тўғри, самимий олиб борилса, оиладан ташқарида ҳам бошқалар билан шунчалик осон мулоқотга кириша олиш мумкин.



Ўғилой НАМОЗОВА, "Оила ва гендер" илмий тадқиқот институти докторанти.

Жамиятга мослашиш, атрофдагилар билан суҳбатлашиш учун оила мулоқоти асос бўлиб хизмат қилади. Соғлом оилавий мулоқотнинг афзалликлари қуйидагилар:

- ✓ оила аъзолари ўртасида меҳр-оқибат ва ўзаро ишончни мустаҳкамлайди;
- ✓ фарзандлар тарбиясига бевосита ижобий таъсир кўрсатади;
- ✓ оила аъзолар ўзаро бир-бирини тушуниши ва қўллаб-қувватлашини ривожлантиради;
- ✓ фарзандлар ўз эҳтиёжларини, орзу ва мақсадларини ота-оналар билан бўлишиб, уларнинг фикрларини эшитиб, ўз шахсий ҳаётини режалаштиришда керакли кўникмаларни ривожлантиради;
- ✓ болаларга жамиятда ўз ўрнини топиш, муносабатлар-ни тўғри қуриш ва масъулиятли шахс бўлишда ёрдам беради;
- ✓ энг асосийси, оила аъзоларнинг бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббатини оширади.

ДАРОМАД МАНБАИ

Асаларичилик — жуда мароқли ва фойдали машғу-лот, шу билан бирга, оилавий тадбиркорлик учун ҳам катта имкониятлар яратадиган соҳа. Бунга яхши ан-глаган Менгнора Жўраева бир неча йилдирки, мазкур йўналиш билан шуғулланмоқда.



“Асал билан ҳаётимиз янада тотли”

Нигина ШОЕВА, журналист.

Моҳир асаларичи Менгнора Жўраева Шўрчи туманидаги "Зарбдор" маҳалласида яшайди. Худуди-даги 47-умумтаълим мактабида ўқитувчи бўлиб ишлайди. Дарсдан бўш вақтлари-да асаларичилик билан шуғулланади. Қаҳрамонимизга турмуш ўртоғи ва ке-лини яқиндан кўмаклашади. Шунданми, рўзғори обод, дастурхони файзли.

— Асаларичилик соҳасини ривожлан-тиришга, асал етиштиришга бўлган эътибор ва талаб кундан-кунга ортиб бормоқда, — дейди Менгнора Жўраева. — Айниқса, экологик тоза маҳсулотга бўл-ган эҳтиёж ниҳоятда юқори. Қолаверса, инсонларга етти хазинанинг бири бўлган асални етказиб беришнинг гашии ўзгача. Оила аъзоларимиз билан даставвал ишни 4-5 қўти асаларини парваришладан бошлаганим. Ҳозир қўтиларимиз сони 43 тага етди. Асаларининг асали, захри, сути прополиси, гулчанги кўпгина хаста-ликларга даво. Лекин уни парваришлаш ва

қўпайтиришнинг ўзига яраша қийинчи-ликлари, муаммолари бор. Баҳор ва кузда, яъни табиатда гулчанги ва гулшира кўпроқ бўлганда, ишчи асаларилар 40-45 кунгача яшай олади. Шунга яраша унга муносиб шарт-шароит, экологик тоза муҳит керак. Агар ишга меҳр ва эътибор билан ёндашилса, парваришладиган асал-арингиз қутилгандек натижа беради.

Шўрчилик Менгнора Жўраева бу бо-радаги билимларни тажрибали асалари-чилардан ўрганган бўлиб, бугун ўзи ҳам қизиқувчиларга соҳанинг сир-асрорлари ҳақида маълумот бериб келяпти.

Эрта баҳордан бошланган меҳнат кеч кузга қадар давом этади. Битта қутидан бир мавсум давомида ўртача 25 ки-лограм асал олинади. Бугун даромад топаман, тадбиркорлик билан шуғулла-наман, дейдиган юртдошларимиз учун давлатимиз томонидан барча шароит ва имкониятлар яратилган. Бундан гарчи мактаб ўқитувчиси бўлса-да, Менг-нора Жўраева сингари аёллар оқилона фойдаланган ҳолда оиласига қўшимча даромад олиб келмоқда.

